

**“Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банки  
акциядорларининг навбатдан ташқари йиллик умумий йиғилишининг  
1-сонли**

**БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА**

2021 йил 25 февраль  
соат 10-00

Тошкент шаҳри  
Амир Темур кўчаси, 79А-уй

“Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда “Банк” деб юритилади) акциядорларининг навбатдан ташқари йиллик ҳисобот умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар ва вакилларга тегишли овоз берувчи акциялар сони 70 937 580 620 дона. Жами овоз берувчи акциялар сони 70 937 580 620 дона. Йиғилиш кворуми 100 фоиз.

---

**Қатнашдилар:**

Банк Кузатув кенгаши раиси:

С.Ў.Умурзаков;

Банк Кузатув кенгаши аъзолари:

К.Ф.Талипов, Р.Б.Халиков,  
Ш.Т.Маткаримов, С.Ш.Ахмедов,  
Р.З.Нарзуллаев, С.А.Хабибуллаев.

Банк акциядорларининг вакиллари (рўйхат илова этилади);

Бошқарув раиси:

Н.Р.Алимов;

Бошқарув раиси ўринбосари

А.А.Валиев;

Бош бухгалтер в.б.

Б.Б.Қосимов;

Банк ижро аппарати бошлиғи

Ж.С.Юнусходжаев;

Юридик хизмат бошлиғи

С.С.Жабборов;

Ички аудит хизмати

Ф.Н.Комилов;

Инвестиция лойиҳаларини,

савдони молиялаш маркази директори

С.А.Машарипов.

Банкнинг таркибий тузилмалари раҳбарлари (рўйхат илова этилади).

Банк акциядорларининг навбатдан ташқари йиллик умумий йиғилиши раиси этиб амалдаги қонунчиликка асосан Банк Кузатув кенгаши раиси С.Ў.Умурзаков сайланди.

**ЭШИТИЛДИ:**

Йиғилиш раиси – Банк акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида.

**(Бир овоздан маъқулланди)**

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Банк акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Санок комиссияси раиси - Ж.С.Юнусходжаев - “Ўзагроэксспортбанк” АТБ Банк ижро аппарати бошлиғи;

2. Санок комиссияси аъзоси - М.Н.Машарипов – “Ўзагроэксспортбанк” АТБ Чакана хизматларини ривожлантириш маркази бош мутахассиси;

3. Санок комиссияси аъзоси - Д.С.Расулов – “Ўзагроэксспортбанк” АТБ Ғазначилик департаменти директори ўринбосари.

#### **ЭШИТИЛДИ:**

Йиғилиш раиси – Банк акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилиши котибини сайлаш тўғрисида.

**(Бир овоздан маъқулланди)**

#### **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Банк акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилиши котиблигига Банкнинг Банк ижро аппарати бошлиғи Ж.С.Юнусходжаев сайлансин.

#### **ЭШИТИЛДИ:**

Йиғилиш раиси – Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибини тасдиқлаш тўғрисида.

**(Бир овоздан маъқулланди)**

#### **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Банк акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг куйидаги кун тартиби тасдиқлансин.

#### **КУН ТАРТИБИ:**

1. Йиғилиш регламентини тасдиқлаш.

2. “Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг 2020 молиявий йил якунлари бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш тўғрисида.

#### **КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЭШИТИЛДИ:**

**Йиғилиш кун тартибидаги 1-масала** Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан йиғилиш раиси томонидан кун тартибидаги масалалар бўйича маъруза ва музокарага чиқувчилар учун йиғилиш регламентини куйидаги тартибда тасдиқлаб олиш сўралди:

Банк акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши кун тартибидаги масала бўйича 5 дақиқадан, музокарага чиқувчилар учун 5 дақиқа вақт ажратилиши таклиф этилди.

**Йиғилиш кун тартибидаги 2-масала** бўйича ахборот бериш учун банкнинг Бош бухгалтер в.б. Б.Б.Қосимов томонидан йиғилиш қатнашчиларига куйидагилар тўғрисида ахборот берилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

тўғрисида”ги, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунларига ва банк Устави ҳамда Марказий банкнинг амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан банк фаолиятини ҳар йили Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МХХС) бўйича мажбурий тарзда мустақил ташқи аудиторлик компанияси томонидан аудит текширувидан ўтказилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига асосан устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар корпоратив бунортмачилар ҳисобланиб, уларнинг товар ва хизматларни харид қилиш бўйича фаолиятлари ушбу Қонун билан тартибга солинади.

Банкнинг 2020 молиявий йил фаолиятини ташқи аудитдан ўтказишни ташкил қилиш мақсадида банк Бошқаруви томонидан амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил ташқи аудиторлик компаниясини танлови ўтказилди.

Аудиторлик компаниясини танлови банкда ташкил этилган Харид комиссияси томонидан ўтказилди.

Танловга 2 аудиторлик компанияларининг тижорат таклифлари келиб тушган бўлиб, уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори қуйидагиларни ташкил этган:

1. “PKF MAK ALYANS” МЧЖ АК – 230 000 000 сўм;
2. “GRANT THORNTON” МЧЖ АК – 172 500 000 сўм.

Аудиторлик компаниялардан келиб тушган таклифлар “Ўзагроэксспортбанк” АТБ акциядорлик тижорат банки бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботининг йиллик мажбурий аудитини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларини танлаш бўйича танлов ўтказиш тўғрисида”ги Низомда белгиланган мезонлар асосида баҳоланди.

Танловга келган таклифларни баҳолаш натижаларига кўра танлов иштирокчилари томонидан қуйидаги баллар тўпланди:

1. “PKF MAK ALYANS” МЧЖ АК – 61,0 балл;
2. “GRANT THORNTON” МЧЖ АК – 67,2 балл.

Харид комиссиясининг 2020 йил 28 январдаги қарорига асосан “GRANT THORNTON” МЧЖ аудиторлик компанияси танлов ғолиби деб топилди ҳамда ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори 172 500 000 сўмни ташкил этаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган.

Шу сабабли, Банк Кузатув кенгашининг 2021 йил 29 январдаги қарорига асосан банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилди ҳамда “Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг 2020 йил фаолияти натижалари бўйича аудит

текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш бўйича масала умумий йиғилишга киритилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб банкнинг 2020 йил фаолияти натижаларини МХХС бўйича аудит текширувидан ўтказиш учун “GRANT THORNTON” МЧЖ аудиторлик компаниясини банк аудитори этиб ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини 172 500 000 сўм этиб белгилаш таклиф этилди.

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

### I. Йиғилиш регламентини тасдиқлаш

(Йиғилиш раиси)

**Овоз бердилар: – 70 937 580 620 овоз, тарафдорлар – 70 937 580 620 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича 5 дақиқача, музокарага чиқувчилар учун 5 дақиқа вақт ажратиш орқали йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

**II. “Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг 2020 молиявий йил якунлари бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш тўғрисида.**

(Йиғилиш раиси, Бошқарув раиси)

**Овоз бердилар: – 70 937 580 620 овоз, тарафдорлар – 70 937 580 620 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. “Ўзагроэксспортбанк” АТБ Харид комиссиясининг 2021 йил 28 январдаги 2-сонли баённомаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг 2020 йил фаолияти натижаларини МХХС бўйича аудит текширувидан ўтказиш учун “GRANT THORNTON” МЧЖ аудиторлик компаниясини банк аудитори этиб белгилансин.

3. “GRANT THORNTON” МЧЖ аудиторлик компаниясининг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори 172 500 000 (бир юз етмиш икки миллион беш юз минг) сўм этиб белгилансин ҳамда аудиторлик компанияси билан белгиланган тартибда шартнома тузиш вазифаси банк Бошқарувига топширилсин.

Йиғилиш раиси томонидан кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилиб, тасдиқланганлиги муносабати билан йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.

Йиғилиш котиби

“25” февраль 2021 й.



Ж.С.Юнусходжаев